

Маккани фатҳ этилиши



19:00 / 18.02.2022 4257

Макканинг фатҳ этилиши улкан аҳамиятга эга эди. Макка – ҳаммага машҳур шаҳар. Унинг асосий аҳолиси Қурайш – арабларнинг бош ва энг обрўли қабиласи.

Тарихда ҳеч бир подшоҳ ёки ҳеч бир куч Маккани фатҳ қила олмаган. Ким бу ниятни қилса, Абраҳага ўхшаб, ўз-ўзидан ҳалокатга учраган. Ўша пайтда машҳур фил ҳодисасини кўрган-билган одамлар кўп эди.

Хусусан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келишларидан тахминан 50-55 кун олдин «Фил воқеаси» бўлиб ўтган. Бу милодий 571 йил февраль ойи охири ёки мартнинг бошига тўғри келади. Яманнинг мутаассиб насронийлардан бўлган қўмондони Абраҳа 60 минг кишилик қўшин билан Маккага Каъбани бузиш учун юриш қилади. Қўшин ичида 9 ёки 13 та фил бўлган ва Абраҳа улар орасидан «Маҳмуд» исмли катта

филни ўзига танлаб олган эди. Мазкур ҳарбий ҳужум Аллоҳ таолонинг Каъбани сақлаб қолиши ва Абраҳанинг қўшини Абобил қушлари ташлаган тошлардан қирилиб кетиши билан якунланади.

Бунинг устига, Қурайшнинг бошқа қабилаларга таъсири кучли эди. Кўплаб қабилалар Қурайш билан иттифоқчи эди. Шунинг учун бу иттифоқни бузиб, Исломга кира олмай туришганди. Ундан ҳам кўпи эса иккиланиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Қурайш орасидаги курашнинг натижасини кутиб турарди. Улар ўзларича: «Агар Муҳаммад ҳақиқий пайғамбар бўлса, Қурайшнинг устидан ғолиб чиқади, ўшанда унга иймон келтирамиз», дейишар эди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккани фатҳ қилиб берганидан сўнг бу саволларнинг ҳаммасига жавоб топилди.

Аввало, ҳеч кимга фатҳ этилмаган Макканинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга фатҳ этилиши у зотнинг ҳақиқий пайғамбар эканликларининг исботи бўлди.

Иккинчидан, Қурайшнинг ҳаммаси мусулмон бўлиши бошқалар олдидаги барча иккиланишларни йўққа чиқарди.

Энди ҳамма тўп-тўп бўлиб Исломга кира бошлади.

«Вақтиқи, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кираётганини кўрсанг Роббингни ҳамд ила поклаб ёд эт ва Ундан мағфират сўра. У тавбани қабул қилувчидир» (*Наср сураси, 1-3-оятлар*) деган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани тарк этишларидан олдин йигирма бир ёшдаги Аттоб ибн Асийд ал-Умавий розияллоҳу анҳуни бу шаҳарга волий (ҳоким) қилиб тайинладилар.

«Ислом тарихи» китоби асосида Хуршид Маъруф тайёрлади